




# RESULTS OF NATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH

Scientific journal



OpenAIRE



zenodo



1  
2022

**Results of National Scientific Research**

**SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL**

**TAHRIRIYAT| EDITORIAL**

**Editor in chief**  
**M.Ermuxammedova**

**Executive Secretary**  
**A.Aliyev**

**Bosh muharrir**  
**M.Ermuxammedova**

**Mas'ul kotib**  
**A.Aliyev**

**TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI| MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD**

**O. Muhammadiyeva**  
Terdu Falsafa kafedrasi o'qituvchisi Falsafa fanlari bo'yicha fan doktori (PhD)  
**U. To'lakov**  
Termiz davlat universiteti Iqtisodiyot va turizm fakulteti Moliya kafedrasi katta o'qituvchisi

**F. Xolliyev**  
Termiz davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti, Amaliy matematika va informatika kafedrasi o'qituvchisi

**T. Mamadjanova**  
Iktisodiyot va menejment kafedrasi katta o'qituvchisi. (PhD)  
**A.Aliyev**  
Academic\_uz jamoasi rahbari  
**M.Xolmo'minov**  
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi Ilmiy-metodik markazi Bosh mutaxassisi

**O. Muhammadiyeva**  
Teacher of the Department of Philosophy, Termez State University. Doctor of Philosophy(PhD)

**U. Tulakov**  
Teacher of Department of Finance Faculty of Economics and Tourism, Termez State University  
**F. Xollieva**

Teacher of Department of Applied Mathematics and Informatics, Faculty of Physics and Mathematics, Termez State University  
**T. Mamajanova**  
Head Teacher of Department of Economics and Management. (PhD)  
**A.Aliyev.**  
Academic\_uz team leader  
**M.Kholmominov.**  
Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan Scientific-methodical center Chief specialist


**5 MAY 2022**

**PART-1**



[www.academics.uz](http://www.academics.uz)

1	<i>Asadov Sh.K</i>	УЧ ЎЛЧОВЛИ ФАЗОДА ГЕОМЕТРИК ШАКИЛЛАРНИ Auto CAD ДАСТУРИДА ТАСВИРЛАШ	5
2	<i>Xasanov Mahmudjan Abduraxmanovich Karimova Umida Erkinovna</i>	SEMANTICS OF MORPHONOLOGICAL ALTERNATIONS IN THE COMPOSITION OF A DERIVED WORD	9
3	<i>Mamadaliyeva Mamlakat Qahramon qizi</i>	BOLALAR HAYOTIDA ERKALAMALARNING O'RN'I	14
4	<i>Aziza Hazratova; Raimova K.B.</i>	TEACHING A LETTER OF COMPLAINT TO 7TH GRADE SCHOOL STUDENTS THROUGH COMMUNICATIVE VISUAL-SITUATIONAL APPROACH	18
5	<i>Nurmatova Zaxro Nosirjon qizi; Odiljonova Mahsuma</i>	TURIZMNING TURLARI VA ULARNING ANAMIYATI	25
6	<i>Kaynanova Dilfuza</i>	ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ ЯВЛЯЕТСЯ ПРИОРИТЕТОМ	29
7	<i>Turdymuratova Aizada Bahтияровна</i>	СООТНОШЕНИЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ И НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ	33
8	<b>КУРБАНБАЕВА МУНАВВАРА КОЗИБОВНА</b>	ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И ДУХОВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА	37
9	<i>Xidoyatova Zebuniso Odilovna</i>	РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ «КОНЦЕПЦИИ НЕПРЕРЫВНОГО ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО» В ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА	41
10	<i>Kaitmazarova Shaxsanem</i>	ВОСПИТАНИЕ КАК ЯВЛЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ	45
11	<b>НИЕТУЛЛАЕВА СВЕТА</b>	ПРЕДСТАВЛЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ДУХА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕЕ	49
12	<i>Matmuratova Malika</i>	ИСТОРИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ АЖИНИЯЗА	53
13	<i>Gulbahiram Doimuratova</i>	ФОРМИРОВАНИЕ И УКРЕПЛЕНИЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА ПРОТИВ ВРЕДНЫХ ИДЕЙ И ИДЕОЛОГИЙ	57
14	<i>A.K.Bayirueva</i>	ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА	61
15	<i>Jollybekova Indira Vaxutovna</i>	SCIENCE IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN	74
16	<i>Gulmurat Xojamatov</i>	ПРИМЕНЕНИЕ ИНТЕРАКТИВНОГО ПЛАКАТА В ПРЕПОДАВАНИИ ИСТОРИИ	82
17	<i>hurylkasyn Doshniyazov Karlybaevich</i>	ISSUES OF LABOR EDUCATION IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF LEARNERS	97
18	<i>P.S.Shukurov; D.Sadriiddinova</i>	ТАЛАБА КИЗЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВОСИТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА	105
19	<i>Saidova Nigora Olimovna</i>	МАКТАВГАЧА ТА'ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА HAR BIR YOSH GURUHIDA TEVARAK ATROFNI IDROK ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	115
20	<i>Ganiyeva X. B ; O.O. Zhuraev</i>	БУРЕНИЕ ВТОРОГО СТВОЛА НА СЕВЕРНЫЙ ЎРТАБУЛАҚКОМ МЕСТОРОЖДЕНИИ ТЕХНОЛОГИЯ ПЕРЕНОСКИ	120
21	<i>Ganiyeva Gavkharoy Zokhidjon kizi; Usmonova Kamola</i>	EXPRESSION OF EMOTIONS IN LANGUAGE AND SPEECH	125
22	<i>Dilbar Hasanova</i>	HOZIRGI O'ZBEK NASRIDA TUYG'ULAR TASVIRIDAGI YETAKCHI XUSUSIYATLAR	131
23	<i>Ungalova Dilnoza Jo'raqulov Bahodir O'tayeva Gulsanam</i>	THE ROLE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING	140
24	<i>Xakimova Maqsadxon Dilshodbekovna</i>	THE LIVERPOOL POETS AND THEIR APPROACH TO POETRY	147
25	<i>Xakimova Maqsadxon Dilshodbekovna</i>	THE LIVERPOOL SCENE	153
26	<i>Khakimova Sadokat Dilshodbekovna</i>	PHRASEOLOGICAL UNITS AND THEIR ROLE IN LITERATURE	158



## ТАЛАБА ҚИЗЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВОСИТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Р.С.Шукуров,

Профессор Бухоро давлат университети

Д.Садриддинова,

Ўқитувчи Бухоро давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6480638>

**Аннотация:** Мақола мазмунида талаба қизларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш, уларда соғлом турмуш тарзи маданияти тушунчаларини сингдириш ва ривожлантиришнинг педагогик шартлари, жисмоний тарбия ва спортнинг имкониятлари ва самарадорлик жиҳатлари ўрганилган, мақсадли педагогик жараённи ташкил этишнинг технологик шарт-шароитлари ҳавола этилган.

**Калит сўзлар:** соғлом турмуш тарзи маданияти, педагогик восита, механизм, мотивация, технологик жараён

**Долзарблик.** Замонавий таълим жараёнларининг дунё миқёсидаги бугунги тараккиёти унинг таркибидаги турли ижтимоий – педагогик йўналишлар ва ўзгаришлар, ислохотлар, ҳаракатларнинг кўплиги уларнинг ранг-баранглиги билан белгиланади. Ўзбекистон республикасида охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатда юксак

маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш каби

масалалар ўта муҳим ва долзарбдир [3].

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида талаба-ёшларнинг соғлом турмуш тарзига эътибор қаратилмоқда, бу эса жамоатчиликни олий маълумотни тугатган мутахассисларнинг соғлиғи ва уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида касал бўлиб қолиш даражаси ошиши, кейинчалик иш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ [5].

Талаба қизларда жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш муаммоси ўз ечимини кутаётган муҳим масаладир. Хотин-қизлар саломатлиги ҳолати миллат соғлом салоҳиятининг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун талаба қизлар саломатлигини сақлаш ва ривожлантириш ва уларда соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш бугунги кунда устувор аҳамиятга эга. Талаба қизлар саломатлиги ҳозирги жамиятда ижобий ечимини топиши зарур бўлган энг долзарб ижтимоий

аҳамиятли муаммолардан бўлиб, мазкур муаммога эътиборсиз бўлиш, келажак авлод истиқболини қўлдан бой беришга тенг келади.

Глобаллашув жараёнида жамиятни модернизациялашнинг асосий шартларидан бири аҳолининг турмуш маданиятини ривожлантириш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришдан ибарат[4]

#### **Тадқиқотнинг мақсади.**

Талаба қизларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлиғини яхшилаш, соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шартлари ўрганилади ва тадқиқ этилади.

#### **Тадқиқот методлари.**

Талаба қизларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг умумий омилларини, педагогик восита сифатида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг тарбиявий аҳамиятини назарий

таҳлил қилиш ва адабиётларни ўрганиш тадқиқот усуллари қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларини ва муҳокамаси.** Соғлом турмуш тарзи тушунчаси, мазмун-моҳияти, тамойиллари, таълим ва тарбия жараёнида, ўқувчи – ёшлар ҳамда талабаларда соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятини шакллантириш, ривожлантириш механизмлари Н.А.Мешелкова (2005), Т.М.Кравченко (2004), Б.М.Зимасов (2006), И.Дж.Манчанов (2001), К.Содиқов (2007), О.Жамолиддинова (2010) лар томонидан ўрганилган. Д.Ж.Шарипова (2010), А.Рахмонов (2012), С.А.Абитова (2019), Н.Ш.Маннапова (2019), Ш.Ханкелдиев, А.Абдуллаев, Қ.Жабборов, Р.Ҳамроқулов, Р.Расулов, А.Ҳасанов (2010,2011) лар томонидан мавзунинг айрим муаммоларига бағишланган мақолалари, ўқув қўлланмалари бирламчи адабиёт ҳисобланади.

Талаба қизларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини

ривожлантиришнинг педагогик шарт - шароитлари, имкониятлари ва самарадорлик жиҳатлари борасида имлий ишланмалар етарли деб бўлмайди. Мавжуд манбааларда муаммонинг умумий томонлари ўрганилиб, ўқувчи ёшлар, талабаларда соғлом турмуш тарзи муаммоларини долзарблигини эътироф этиб, тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш зарурият эканлигини такидлаганлар.

Мавзуга оид мавжуд илмий манбааларни ўрганиш олий таълим жисмоний маданият: жумладан (хотин-қизлар) таълим йўналишининг ўқув тарбиявий жараёнида ўтказилган кузатувлар асосида дарс ва дарсдан ташқари ўтказиладиган жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришнинг педагогик, технологик жараёнини ташкил этиш шарт-шароитлари аниқланди:

1. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини

ривожлантириш ижтимоий, педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилади ҳамда олий таълим муассасаларида имкониятлари кўрсатиб берилади.

2. Ўқув жараёни, жисмоний тарбия ва спорт машғулоти жараёнида талабалар хулқ-атвор, одатлар, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, соғлиғини сақлаш ва ривожлантиришга оид кўникмаларга асосланган билимларини такомиллаштириш.

3. Ўқув фаолиятига ўқув технологияларини жорий этиш, жисмоний тарбия назариясини ривожлантирувчи ва шахсга йўналтирилган таълимнинг педагогик назариялари билан уйғунлаштириш.

4. Талаба қизларда соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган ноанъанавий ўқитиш усулларида дарс ва дарсдан ташқари машғулотида жорий этиш.

5. Талаба қизларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришнинг шакл, усул ва воситалари қўллаш орқали самарадорликка эришиш.

6. Талаба қизларда жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи механизмларини амалда жорий этиш.

7. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш орқали талабаларнинг даражасини кўрсатувчи мезонлар, унинг самардорлик даражаларини амалиётда жорий этиш.

Жисмоний тарбия инсоннинг умумий маданиятининг бир қисмидир. Жисмоний маданиятда инсон нафақат ўзининг табиий борлиғини, балки ўзи, атрофдаги дунё, табиат ва жамият билан уйғунлашишга интилиб, инсоният маданиятини ҳам эгаллайди.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида шахснинг жисмоний маданиятининг шаклланиши асосан жисмоний тайёргарликдан жисмоний соғлиқни сақлаш дастурларини амалга оширишга, шахснинг жисмоний ўзини такомиллаштириш ва психофизик фазилатлар ва хусусиятларнинг ривожланиш даражасининг ўзгаришига йўналтирилган, кўп қиррали ва шу билан бирга ажралмас жараёндир [5].

Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, инсон соғлигини мустаҳкамлаш, унинг жисмоний ва функционал имкониятларини оширишда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади. Инсон турмуш тарзи таркибида жисмоний фаолликка қонуний ва мажбурий эҳтиёж сезиши лозим.

Соғлом турмуш тарзи, саломатликни мустаҳкамлаш жисмоний тарбия ва спорт билан мунтаъзам шуғулланишни тақозо этади. Зеро, талабаларни соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларни

жисмоний камолатга етишишида жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжини шакллантириш таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифадир.

Шундай экан, олий таълим муассасалари талаба қизларда жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришнинг муаммоси бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб боришга эҳтиёж мавжуд, айнан шу ҳолат мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Олий таълим муассасаси талаба қизларда соғлом турмуш тарзи маданияти бўйича мавжуд амалий ахволни илмий ўрганиш ва ўзига хос бир неча хусусият борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда техника тараққиётининг ривожланиб бораётганлиги, инсон иш фаолиятида бажарадиган ишларнинг ўрнини техника воситалари эгаллаётгани киши саломатлигини мустаҳкамлашда саълбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, замонавий ўқув

жараёни кўпинча талабалар саломатлигини ёмонлашувига олиб келмоқда.

Талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш масаласи жуда муҳимдир. Соғлом турмуш тарзи аввало оиладан бошланади. Ўқувчи – ёшлар ва талабаларда ёшлигидан бошлаб “Соғлом турмуш тарзи”, “Соғлом турмуш маданияти” тушунчасини “Соғлом ҳаёт кечириш” ғоясини сингдириш асосий ва муҳим масала ҳисобланади.

Ўқув юртларида талаба кизлар соғлиғини ёмонлашувига олиб келадиган бир қанча омиллар, сабабларлар мавжуд. Масалан:

- кун тартибига тўғририоя қилинмаслиги;
- жисмоний машқлар билан шуғулланмаслик, гигиеник талаблар;
- дам олиш ва бўш вақтларини, компьютер заллари, мобиль алоқа воситаларидан зарур бўлмаган ижтимоий тармоқлар билан боғлашади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар талаба кизларнинг ўз вақтларини турли хилдаги бекорчилилик ишлар билан бандлиги билан ўтказиб, саломатлик ҳақидаги маданиятининг пастлигидан, уларнинг соғлиғига бепарволик билан муносабатда бўлганлигидан далолат беради. Шунинг учун бўлажак жисмоний маданият ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш жараёнида, соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришда, дам олиш ва бўш вақтни ташкил қилишда, таълим даргоҳларида дарсдан ташқари миллий ва оммавий спорт тўғараклари фаолиятини тизимли, самарали ташкил қилиш соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жисмоний тарбия ишига мотиватсион муносабатни шакллантириш талабаларга соғлиқни қадрият йўналиши сифатида эгаллашига қаратилиши зарур. Шунинг учун талаба кизларда соғлом турмуш тарзи

маданиятини ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт асосий мақсади бўлиб, унинг вазифалари тананинг функционал, мослашувчан қобилиятларини ошириш, шахснинг жисмоний маданиятини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришдир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки жисмоний тарбия ва спорт нафақат ўқув интизоми, балки талаба ёшларнинг соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб жисмоний ва маънавий бирликни уйғунлаштиришга ёрдам беради, талабаларнинг саломатлиги, жисмоний ва ақлий баркамоллиги

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ - 3306 – сонли қарори.

каби умуминсоний кадрларнинг шаклланишини таъминлайди.

Хулоса. талаба қизларда жисмоний тарбия ва спорт орқали ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятларини яхшилаш, соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш ва соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спорт машғулоти аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки жисмоний тарбия ва спорт инсонни ақлий - ахлоқий, маънавий қомилликка, жисмоний баркамол бўлишида, таълим – тарбия жараёнининг самарали воситасидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 январдаги ПФ -5924 – сонли фармони.

4.Жамолдинова О.Р. Соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш: п.ф.н.....диссер.афтореферати .Тошкент, 2015.

5.Мелешкова Н.А. Формирование здорового образа жизни студентов вуза в процессе физического воспитания: дис. ... канд. пед. наук. Кемерово, 2005.

6.Степанок И.А.Развитие мотивации студентов университета к здоровому образу жизни средствами физической: дис. ... канд. пед. наук. Магнитогорск, 2005.

7. Shukurov R.S. Experimental Basis of Elective Subjects in the Context of Informatization of Modern Education. // Central Asian journal of theoretical and applied sciences.2021, COJOTAS, Central Asian Studies, All Rights Reserved. Volume: 02 Issue: 09 sep.2021 ISSN: 2660-5317.31-37. 37www.cajotas. centralasianstudies.org

8. Shukurov R.S. The development of a healthy culture of living for students-youngstres through physical education and sports as a pedagogical problem. //TECH-FEST-21International Multidisciplinary Conference Hosted from Boston, USA [https:// conferencea.org](https://conferencea.org) October 3rd 2021, p p 63-65.

9. Shukurov R.S. Developing a culture of healthy life among the students through turon wrestling. //TECH-FEST-21International Multidisciplinary Conference Hosted from Boston, USA <https://conferencea.org> October 3rd 2021, p p 66-68.

10. Shukurov R.S. The ways of the activization of the independent works nof the students in the educational platform moodle //AJMR. Asian Journal of Multidimensional Research.Impact Faktor:SJIF2020/6.882.24-30 6.[10.59.58\2278-4853.2020.00152.4 (www: \ tarj.in)].

11. Shukurov R.S. Developing a culture of healthy life among the students through turon wrestling. // Impact Faktor: 5.18.International Journal of Yogic, Human Movement and Sports Sciences. 2020, 5(2) 04.06: 4-6 б. <http://www.theyogicjournal.com/>.

12. Shukurov R.S. The development of a healthy culture of living for students-youngstres through physical education and sports as a pedagogical problem.//Impact Faktor:7.13 ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal.2020, 626-631 б. <https://good.thehostingserver.com:2096/>.

13. Shukurov R.S. Developing a culture of healthy life among the students though turon versling. //Impact Faktor (2020):7.572 EPRA International of Environmental Economics, Commerce and Educational Management.Journal [DOI:10.36713/epra0414\ISI I.FValue: 0.815/SJIF ISSN: 2348-814X. [www.eprajournals.com](http://www.eprajournals.com). 19-22].

14. Shukurov R.S. Experimental Test Of Effectiveness Of Elektiv Courses In Higher Education. //Impact Faktor 7.625. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) 2021 International Journals of Sciences and High Technologies <http://ijpsat.ijsht-journals.org> 1.25 No.1 February 2021, pp. 143-151.

15. Кадыров Р. Х., Назарова Н. Э. РАЗВИТИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ВУЗА //Проблемы науки. – 2021. – №. 4 (63). – С. 52-54.

16. Назарова Н. Э., Гремина Л. А., Гетман Е. П. МОТИВАЦИЯ КАК ФУНКЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ СПОРТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИЕЙ //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости, 2020. – №. 17-2. – С. 41-44.

17. Safarov D. Z. O. G. L., Nazarova N. E., Sadriddinova D. H. Q. TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA, SPORT TADBIRLARINING MAQSADI VA VAZIFALARI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1498-1505.

18. Nazarova N. E., Ergashev D. E. FORMATION OF MOTIVATION FOR PHYSICAL EXERCISE AND SPORTS FOR PEOPLE WITH DISABILITIES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 476-484.

19. Nazarova N. E., Suyarov J. F. PROBLEMS OF SPORTS SELECTION AND ORIENTEERING AND WAYS TO SOLVE THEM //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 1. – C. 468-475.